

22-001-51040 сон - ШАРТНОМА

05 январь 2022 йил

Тошкент шаҳар

"FARG'ONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI" AJ номидан Низомат асосида иш олиб боровчи ва бундан сўнг матнда "Буюртмачи" деб аталувчи Бир директор ERKIN XAMIDOV IBRAGIMOVICH бир томондан ва "O'ZMMI" DM (Toshkent shahri) номидан Устав асосида иш бажарувчи, бундан сўнг "Бажарувчи" деб аталувчи - унинг Директори в.б. САИДОРИПОВ Л. Ф. иккинчи томондан, мазкур шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ ВА ИШЛАРНИНГ НАРХИ

- 1.1 "Буюртмачи" топшириғига кўра "Бажарувчи" ушбу шартномада белгиланган тартиб ва шартлар асосида қуйидаги таснифда кўрсатилган ишларни бажариш мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

№	Хизмат кўрсатувчи бўлим	Ишлар тури ва ўлчаш воситаси номи	Ўвнинг сони	Хизмат нархи		ҚҚС 15%	Хизмат киймати (ҚҚС билан)
				Бир донаси учун нарх	Жами		
1	09.Отдел НПО физхим, оптико-физич. и темп.велечин	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Прибор Определения Температуры Вспышки (всех типов)	2	248 560,73	497 121,46	74 568,22	571 689,68
2	09.Отдел НПО физхим, оптико-физич. и темп.велечин	Ўлчаш воситаларини қиёслаш / 09-Газоанализатор (УГ)	5	138 932,50	694 662,50	104 199,38	798 861,88
Жами:				1 191 783,96	178 767,60	1 370 551,56	

Жами шартнома суммаси: бир миллион уч юз етмиш минг беш юз эллик бир сўм 56 тийин, шу жумладан ҚҚС - бир юз етмиш саккиз минг етти юз олтмиш етти сўм 60 тийин.

2. ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 2.1 Ушбу шартнома кучга киргач, "Буюртмачи" 10 календарь куни мобайнида шартнома баҳосининг 100% миқдоридаги тўловни "Бажарувчи"нинг ҳисоб-рақамига пул ўтказиш мажбуриятини олади.
- 2.2 Ишлар Тошкент шаҳар ташқарисида бажарилганда қўшимча сайёр хизматлар учун алоҳида ҳақ тўланади ва ишлар бажарилиш жойига бориш ҳамда намунавий ўлчаш воситаларини ташиш, яшаш ва суткалик харажатларни ўз ичига олади. "Буюртмачи" транспорт тақдим этган ва ҳақиқий ишлар бажарилиш жойида яшаш жойини таъминлаган ҳолларда қўшимча сайёр хизматлари учун ҳақ тўланмайди.
- 2.3 Қўшимча сайёр хизматларнинг нархи ҳақиқий ишлар бажарилиш жойига ва ишларни бажаришга жўнатилган "Бажарувчи" вакиллариининг сонига боғлиқ ҳолда белгиланган тарифга мувофиқ ва ушбу шартноманиннг ажралмас қисми ҳисобланган алоҳида ҳисоб-китоб билан аниқланади.

3. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ, ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

- 3.1 Шартноманиннг 2.1. банди бажарилгандан сўнг, "Буюртмачи" 3 иш куни мобайнида "Бажарувчи"га шартноманиннг 1.1. бандида кўрсатилган ўлчаш воситалари ва зарурий ҳужжатларни топширади.
- 3.2 "Буюртмачи" томонидан мазкур шартномада кўрсатилган ўлчаш воситалари (синов воситалари), (зарур ҳолларда) стандарт намуналар, ҳамда зарур ҳужжатлар (тасдиқланадиган турдаги ўлчаш воситалари (синов воситалари), ўлчаш воситаларининг (синов воситаларининг) эксплуатация ва техник ҳужжатлари;) топширилган вақтдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 29 августдаги 528-сонли «Ўзбекистон Республикасида Метрология хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарорида белгиланган муддатларда "Бажарувчи" ишни бажариш мажбуриятини олади. Шунингдек, техник жихатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ кўрсатилган муддатдан ошадиган ўлчаш воситалари бундан мутасно.
- 3.3 "Буюртмачи" томонидан шартноманиннг 2.1. ва 3.1. бандидаги шартларни ўз вақтида бажарилмаган ҳолатларда, "Буюртмачи" бу ҳақида "Бажарувчи"га ёзма хабар беришга мажбур. Бу ҳолда, ишнинг бошланиш муддати тегишли равишда кечиктирилган вақт муддатига кўчирилиб, "Бажарувчи"нинг иш ўз вақтида бажарилмаганлиги учун жавобгарлик келиб чиқмайди.
- 3.4 Шартнома бўйича ишлар якунлангач, "Бажарувчи" бажарилган ишларни "Буюртмачи"га топширади ва бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1

Ушбу шартнома шартларини бажармаганлиги ёки тўлиқ бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг бошқа амалдаги ҳужжатларида кўзда тутилган жавобгарликка тортилади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1 Тарафлар ўртасида мазкур шартнома юзасидан келиб чиқадиган низолар тарафлар келишуви билан ҳал қилинади. Келишувга эришилмаган низолар Тошкент туманлараро Иқтисодий судида ҳал қилинади.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1 Шартнома фақатгина томонларнинг келишуви асосида ўзгартирилиши мумкин. Ушбу шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланади ва улар шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.
- 6.2 Шартнома иккала томоннинг ўзаро келишувига кўра, бошқа бир томоннинг шартнома шартларини бузган ҳолда ёки ишлар бажарилиши учун ўлчаш воситалари (синов воситалари) ва зарур ҳужжатлар уз вақтида топширилмаган, шартноманинг 2.1. банди "Буюртмачи" томонидан бажарилмаган ёки ишлар бажарилишини кечиктириш ҳақидаги ёзма хабарномаси бўлмаган ҳолатларда кўриб чиқилиши мумкин:
- 6.3 Шартномани бекор қилишга қарор қилган томон иккинчи томонга бекор қилиниши кўзланаётган муддатдан 15 кун аввал ёзма хабарнома юборади.
- 6.4 Шартнома бекор қилинганидан сўнг, шартнома юзасидан ҳақиқий харажатлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.
- 6.5 Иш ва хизматлар нархи ўзгарган ҳолатларда, шунингдек, ушбу шартноманинг амал этиш вақтида энг кам иш ҳақи миқдори ўзгарганда, тегишли индексация коэффициентини асосида шартноманинг нархи қайта кўриб чиқиладиган ва ёзма равишда расмийлаштирилади.
- 6.6 "Бажарувчи" қуйидаги маълумотларни "Буюртмачи"нинг ёзма рухсатисиз учинчи тарафга тақдим этмаслик мажбуриятини олади:
- ўлчаш воситаларининг (синов воситалари) калибрлаш (ёки қиёслаш) натижаларини, калибрлаш (ёки қиёслаш) баённомаси ва сертификати нусхаси, "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" ўртасидаги молиявий маълумотлар);
 - "Буюртмачи"нинг ходимлари ҳақидаги шахсий маълумотлар;
 - "Буюртмачи"нинг ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни билан боғлиқ маълумотлар, ривожлантириш бўйича режалари, схемалар ва чизмалар;
 - маҳсулот (хизмат) қиймати ва нархи;
 - "Буюртмачи"га тақдим этилган бирламчи маълумотлар;
 - солиқ тўловлари ва бу бўйича имтиёзлари (агар бор бўлса) ҳақидаги маълумотлар. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Аккредитация органи, "Ўзстандарт" агентлиги ва бошқа ҳукук тарғибот органлари томонидан бериладиган сўровлар бундан мустасно.
- 6.7 Калибрлаш натижалари бўйича спецификация ёки стандартга мувофиқлик тўғрисида баёнотни "Буюртмачи" сўрамайди "Бажарувчи" эса тақдим этмайди (қолган хизматлар бундан мустасно).
- 6.8 Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, қолган барча ҳолатлар юзасидан томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини қўллайдилар.

7. ФОРС-МАЖОР

- 7.1 Агарда енгиб бўлмас куч билан боғлиқ вазиятлар, масалан: сув тошқини, ёнғин, зилзила, эпидемия, ҳарбий можаролар, томонлар тарафидан мазкур шартнома шартларини бажаришга таъсир кўрсатувчи ҳукумат ёки маҳаллий ҳокимиятлар томонидан қабул қилинган фармойиш, буйруқ ёки бошқа маъмурий қарорлар, маъмурий ёки ҳукуматнинг чекловчи қарорлари ва ҳоказолар юзага келиш ҳоллари бевосита ёки билвосита намоён бўлган тақдирда шартнома шартларини бажариш ушбу ҳолат тугаши муддатигача узайтирилади.
- 7.2 Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 5(беш) кун ичида бошқа томонларни форс-мажор ҳолати бошланиши ва тугаши муддатларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.
- 7.3 Агар форс-мажор ҳолати мазкур шартнома шартларини бажаришга 12 ойдан кўп муддат талаб қилса томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилиш ҳукуқига эга.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1 Шартнома унга томонларнинг имзо қўйган вақтдан (имзо қўйилган сана) кучга киради ҳамда ушбу шартнома бандлари тўлиқ бажарилгунга қадар амал қилади.
- 8.2 Шартнома икки нусхада - ҳар бир томон учун биттадан тузилиб, иккаласи ҳам бир ҳил юридик кучга эга.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КЕЛИШУВ

- 9.1 Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни улар, уларнинг ходимлари, аффилиланган шахслар, бенефициари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки

давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилик қилишда, моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

- 9.2 Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дархол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга ойдинлик киритиш мақсадида ёзма изох талаб қилиш ҳуқуқига эга ва муружаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.
- 9.3 Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар бартараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.
- 9.4 Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчилиқда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятларини бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ

"БАЖАРУВЧИ"

"O'zMMI" DM (Toshkent shahri)

Тошкент ш., Олмазор тумани, Форобий 333а

/р 20210000000775480001

"ИПАК ЙУЛИ" АИТ БАНКИНИНГ САГБОН ФИЛИАЛИ

Банк коди 01036

КҚС рақ.: 326090015935

СТИР 304909478

ИФТ 71200

Тел. 78-150-26-18

"БУЮРТМАЧИ"

"FARG'ONA ISSIQLIK ELEKTR MARKAZI " AJ

FARG'ONA VILOYATI, FARG'ONA SHAHRI, SANOAT KÖ'CHASI, 40-UY.,

X/p 20210000900215451001

в Sanoat Qurilish banki Farg'ona filiali

Банк коди 00494

СТИР 200202146

ОКЭД 1730401

Тел. 91 680-9023



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Ушбу QR-код шартнома бажарувчи томонидан тасдиқланганини билдиради.



Шартномада кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Ушбу QR-код шартнома буюртмачи томонидан тасдиқланганини билдиради.